

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши  
БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 2024 йил 23 февраль

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 11:00

Йиғилиш ўтказилган жой: Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси 9-йи.

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 3 643 308 дона

Йиғилишда рўйхатга олинган овоз берувчи акциялар сони - 3098628 дона

Умумий йиғилиш кворуми - 85,05 %

**Йиғилиш раиси:** Б.Фарманов

Давлат активларини бошқариш агентлиги  
ишончли вакили (2024 йил 16 февралдаги  
02/09-2-17/69-сонли ишончнома)

**Йиғилиш котиби:** У.Эркаев

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги тахририни тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

Йиғилишни Б.Фарманов очди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан танишириш учун сўзни саноқ комиссиясининг раисига берди.

Саноқ комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 3 098 628 та овозга эга бўлган 1285 та акциядорлардан 3098628 та овозга эга бўлган 7 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 85,05 фоизни ташкил қиласди. Йиғилишда кворум мавжуд ва йиғилиш ўтказишга ваколатли эканлиги эълон қиласди.

Йиғилиш раиси йиғилишни очик деб эълон қилишни таклиф этди ва ушбу таклифни овозга қўйди.

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.**

Йиғилиш раиси йиғилишни ўтказиш учун Ишчи президиум сайлашни таклиф этди ва унинг сони ҳамда таркиби бўйича таклиф киритишни сўради.

“Ишчи Президиум З кишидан иборат бўлсин”, деган таклиф тушди ва овозга қўйилди.

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ**

“Ишчи президиумига қуйидагилар сайлансан”, деган таклиф тушди:

Б.Фарманов - Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили, **йиғилиш раиси**.

Н.Арзиев - “CENTRAL ASIA AGRO INDUSTRIAL GROUP” МЧЖ улуши бўйича вакили.

Б.Қаюмов - “Фарғона ёғ-мой” АЖ бошқарув раиси.

## **“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ**

Йиғилиш раиси Б.Фарманов Кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссиясининг сони ва таркибини эълон қилди ҳамда уни тасдиқлашни таклиф этди. Саноқ комиссияси И.Гафурова, Н.Сайдбурханова, С.Джурабаева таркибida тузилган. Ушбу таклиф овозга қўйилди.

## **“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ**

Йиғилиш раиси саноқ комиссиясига ишга киришиш мумкинлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг қуидаги регламентини таклиф қилди.

Маърузачиларга – ҳар бир масалага 10 минутгача, музокарага 5 минутгача.

Йиғилиш регламенти бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш кун тартибининг

1-3 масалалари бўйича кўп овозли бюллетен, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганлиги ва овоз бериш ҳамма масалалар муҳокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокамасига ўтилди.**

**Кун тартибидаги биринчи масала** юзасидан йиғилиш раиси Б.Фарманов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва саноқ комиссияси таркибини, яъни И.Гафурова, Н.Сайдбурханова ва С.Джурабаевалар номзодини тасдиқлаш учун овоз бериш таклифини айтди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси Б.Фарманов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш тўғрисида”ги ПҚ-422-сонли қарорига мувофиқ устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юкори миқдорини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек, уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш белгиланганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 04 январдаги 02/09-3-17/18-сонли хатига асосан жамият уставини ҳамда ички меъёрий хужжатларини қайд этилган қонунчилик хужжатларига мувофиқлаштириш, уларга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур масалани белгиланган тартибда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш ва “Жамият уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш”ни овозга қўйди.

**Кун тартибидаги учинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси Б.Фарманов сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш бўйича янги тасдиқланаётган кузатув кенгаши вазифаларини оптималлаштириш мақсадида жамият Кузатув кенгаши таркибини 9 кишидан иборат эканлигини, Кузатув кенгашининг 2024 йил 29 январ кунги 1-сонли йиғилишида Давлат активларини

бошқариш агентлигининг жамият Кузатув кенгаши номига ёзган 2023 йил 07 августдаги 03/09-3-17/4017-сонли хатига асосан Кузатув кенгаши аъзолари таркибиға киритиш учун қуидаги номзодларни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилганини айтиб ўтди ва шу номзодларга овоз беришни таклиф қилди.

<b>№</b>	<b>Номзоднинг Ф.И.Ш.</b>	<b>Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг микдори</b>
1.	Умматов Бегзод Хамзаевич	0
2.	Мирзамахмудов Маруфжон Махамадшариф ўғли	3021241 дона
3.	Ташпулатов Улугбек Самандарович	0
4.	Тожиев Вохиджон Найматиллаевич	3021240 дона
5.	Норбоев Алишер Нурмуҳаммедович	3021240 дона
6.	Ғаниев Сайдакрам Махмудович	3021240 дона
7.	Ражабов Элмурод Рузибаевич	0
8.	Фарманов Бахтиёр Баходирович	3021241 дона
9.	Тўлқинов Дилшоджон Тохиржон ўғли	3021241 дона
10.	Хаджиев Анвар Одилович	3253403 дона
11.	Суюнов Бобомурод Мамаражабович	3253403 дона
12.	Муминов Шерзод Тешаевич	3253403 дона

**Йиғилиш раиси** Б.Фарманов акциядорлар томонидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.

Танаффусдан сўнг, йиғилиш раиси сўзни саноқ комиссияси раиси И.Эргашевга берди. И.Гафурова саноқ комиссияси мажлисининг 2-сонли баёнини ўқиб берди (илова қилинади). Жумладан:

Хақиқий деб топилган бюллетенлар сони 7 дона, яъни 3098628 та овоз.

### **Овоз бериш натижалари қуидагича:**

#### **Кун тартибидаги биринчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

#### **Кун тартибидаги иккинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

#### **Кун тартибидаги учинчи масаласи буйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Фарғона ёғ-мой” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламенти ва саноқ комиссияси таркиби тасдиқлансин.
2. “Фарғона ёғ-мой” АЖ уставига киритилган ўзгартериш ва қўшимчалар билан янги таҳрири тасдиқлансин.
3. “Фарғона ёғ-мой” АЖ кузатув кенгаши аъзолари қуйидагича сайлансин:  
Мирзамахмудов Маруфжон Махамадшариф ўғли, Тожиев Вохиджон Найматиллаевич, Норбоев Алишер Нурмуҳаммедович, Фаниев Сайдакрам Махмудович, Фарманов Бахтиёр Баҳодирович, Тўлқинов Дилшоджон Тоҳиржон ўғли, Ҳаджиев Анвар Одилович, Суюнов Бобомурод Мамаражабович, Муминов Шерзод Тешаевич.

**Йиғилиш раиси**



**Б.Фарманов**

**Йиғилиш котиби**



**У.Эркаев**

*Баённома 02.03.2024 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди.*